



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FARG‘ONA VILOYATI
DANG‘ARA TUMANI HOKIMINING
QARORI

150500, Dang‘ara tumani, Dang‘ara sh. Toshkent ko‘chasi, №69, tel: (73)572-12-32 e-mail: dangara.t@exat.uz

2021 -yil 17-03

301 -son

Dang‘ara sh

Данғара туманидаги транспорт воситаларини 2021 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш ҳақида

Туман ҳокими номига Данғара тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи Ш.Ахмедов 2021 йил 10 февралда №48/414-сонли хат билан мурожаат қилиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори талабларига асосан Данғара тумани ҳудудидаги Давлат тасарруфида бўлган ҳамда жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини 2021 йилги мажбурий техник кўриқдан ўтказиш учун рухсат беришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситаларининг (кейинги ўринларда матнда “Транспорт воситаларининг” деб юритилади) техник кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Данғара туманидаги транспорт воситалари ва уларга тиркамалар 2021 йилда белгиланган тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтказилсин.
2. Данғара туманида транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага, рўйхатга олинган

юримдик шахсларга тегишли транспорт воситаларини 2021 йил учун мажбурий техник кўриқдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Данғара туманидаги транспорт воситалари жорий йилда қуйидаги даврийликка мувофиқ; тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (хайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ҳамда уларга тиркамалар, бир йилда икки марта (биринчи марта 2021 йил 1 мартдан 30 июнгача, иккинчи марта 2021 йил 1 сентябрдан 31 октябргача);

ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари, одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ҳамда уларга тиркамалар, бир йилда икки марта;

ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек, ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари, яъни одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган автомобиллар, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалардан ташқари) бир йилда бир марта;

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 2021 йилнинг 20 февралдан жорий йилнинг 31 августигача ўтказилади.

4. Транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йиғим ундирилади.

5. Данғара тумани ҳокими ўринбосари М.Холмирзаев ва туман ИИБ ЙҲХГ (Ф.Бойқўзиев):

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли қарорининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг ички ва соқчилик қўшинлари, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситаларини кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши инобатга олинсин.

6. Данғара тумани ИИБ ЙҲХГ (Ф.Бойкўзиев):

Транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби ҳақида “Данғара” газетаси орқали омма эътиборига етказиш ишлари ташкиллаштириш;

юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишда юридик шахсга, тегишли ҳужжатларни илова қилинган ҳолда, техник кўриқ ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома юборилиши, техник кўриқ бошланишидан камида ўн кун олдин юридик шахсдан тегишли ҳужжатлар талаб қилиш;

жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида транспорт воситаси эгасидан ёки унга ваколатли шахсдан ҳужжатлар талаб қилиш;

техник кўриқка қўйилган, бироқ техник носозлик туфайли кўриқдан ўтмаган автомобиллар фойдаланиш учун қўйилмаслигини назоратга олиш:

техник кўриқдан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқарган комиссия таркибидаги масъул ходимлар қонун ҳужжатларида жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантириш вазифаси юклатилсин.

7. Мажбурий техник кўриқ давомида комиссия тартибида иш олиб борган ходимларнинг доимий иш жойларидаги иш ҳақлари сақланиб қолиниши инобатга олинсин.

8. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари М.Холмирзаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Ш.Тожиҳакимов